Адл ила олам юзин обод қил

# Куч–адолатда

2021 йил
30 июль,
жума
№ 31 (856)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА УЛКАН ЛОЙИҲАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Олмалиқ кон-металлургия комбинати конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди.***

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Ёшлик-1" конини бориб кўрди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ ва ерости конлари, металлургия ва цемент заводлари, кенг қамровли инфратузилма объектларини бирлаштирган улкан саноат мажмуасидир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келади. Охирги йиллардаги эътибор натижасида янги конлар топилиб, ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилмоқда.

"Ёшлик-1" конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси шулардан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ бошланган ушбу лойиҳанинг қиймати 4 миллиард 894 миллион доллар.

Давлатимиз раҳбарига коннинг салоҳияти, уни ўзлаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ҳудуди 11 минг гектар бўлган мазкур кондан йилига 65 миллион тонна маъдан қазиб олинади. 60 миллион тонна мис-молибден рудасини қайта ишлаш қувватига эга 3-мис бойитиш фабрикаси қурилади. Шунингдек, оҳак заводи, 650 мегаваттли электр тармоғи ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилади.

Лойиҳа доирасида ўтган тўрт йилда замонавий геологик тадқиқотлар, конда 83 миллион куб метрдан ортиқ ҳажмдаги қазиш ишлари бажарилган. Бунинг учун умумий қиймати 415 миллион доллар бўлган 570 дан зиёд махсус техника жалб этилган.

Ушбу улкан лойиҳа 2024 йилда ишга туширилиши, жами 6 мингта иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

— Барчангизни бугунги қувончли воқеа — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланаётгани билан, чин қалбимдан табриклайман, — деди Президент Шавкат Мирзиёев. — Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида эзгу ниятлар билан мана шундай улкан лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз. Бу муҳим воқеа нафақат ушбу комбинат ҳаётида, балки мамлакатимиз саноати тарихида янги давр бошланаётганидан яққол далолат беради.

Кейинги йилларда комбинат фаолияти юксак даражага кўтарилиб, мис ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 бароборга кўпайгани ва 150 минг тоннага етказилгани таъкидланди.

Ўтган уч йил мобайнида комбинат конларида умумий узунлиги 206 минг метр бўлган 475 та қудуқ бурғиланган. Халқаро миқёсда тан олинган хорижий лабораторияларда ушбу конлар рудасининг 100 мингдан ортиқ намуналари кимёвий таҳлиллар асосида чуқур ўрганилган. Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, бу ерда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида ҳам энг йирик ва ноёб кўрсаткичлардир.

Шунингдек, бу ерда қазиб олинаётган руда таркибида кумуш, молибден, селен, теллур, рений ва бошқа нодир металлар борлиги ҳам аниқланган.

Бугун дунёда "яшил иқтисодиёт", қайта тикланадиган энергия манбаларига эътибор кун сайин ортиб бормоқда, электр техникаси саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж камида 40 фоизга ортиши кутилмоқда. Бу Олмалиқ комбинати маҳсулотларига халқаро талаб узоқ йиллар давомида юқори бўлади, деганидир.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ «ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқироз юз бераётган ҳудуддан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида **"Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"**ги махсус резолюцияси (кейинги ўринларда — махсус резолюция) қабул қилинган.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида **қуйидаги таклифлари маъқуллансин:**

**а) Оролбўйи минтақасида сиёсий-ҳуқуқий инновациялар орқали таркибий ва трансформацион ўзгаришлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда институционал базани ривожлантириш** *(масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги).*

Инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов:**

Нукус шаҳрида **"Ёш олимлар академияси"**ни ҳамда ёш олимлар, стартап лойиҳалар эгалари, тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича **Ёшлар технопаркини** ташкил этсин;

(Давоми 2-бетда) ▶

*Инсонпарварлик тамойиллари*

## Кўнглинг ўксимасин, болажон!

### етим ва ногиронлиги бор болалар, эҳтиёжманд инсонлар ҳамиша давлат ва жамият эътиборида

***"Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш барчамиздан жиддий эътибор ва амалий ҳаракатларни талаб қилади. Бирорта бола "мен етим ёки ногиронман" деб ўксинмаслиги, давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳридан четда қолмаслиги керак. Уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, барча шароитларни яратиб бериш нафақат вазифа, балки муқаддас бурчдир".***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу фикрларни ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирди.

Йиғилишда ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва даволаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бундай болаларни зарур тиббий восита ва аравачалар билан таъминлаш, жарроҳлик операциялари ўтказиш, имплантант ва протез ўрнатиш учун қўшимча маблағ ажратишга кўрсатма берди.

Ихтисослашган мактабларга йирик корхоналар ва кластерларни бириктириб, шароитларни яхшилаш мумкинлиги қайд этилди. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўрнига Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ташкил этилиши, ҳудудий комиссияларга эса, вилоят ҳокимлари раҳбарлик қилиши белгиланди.

Яна бир муҳим янгилик: шу йил 1 сентябрдан бошлаб нафақа миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилади. Бундан ташқари "Темир дафтар"га кирган оилалар фарзандлари, шунингдек, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган болаларга мактабга чиқиши учун 500 минг сўмдан берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур йиғилиш яқинда Ўзбекистонда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси амал қила бошлаганидан буён ногиронлиги бўлган инсонлар, хусусан, болалар манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган дастлабки муҳим амалий тадбир ҳисобланади.

Худди шу куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТнинг мамлакатимиздаги миссияси ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан биргаликда ўтказилган тантанали маросимда бу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

**Бутун дунё миқёсидаги глобаллашув жараёнлари геоахборот технологияларини кенг жорий этишни тақозо этмоқда. Геоахборот маҳсулотларига нисбатан эҳтиёжнинг ошиб бораётгани мамлакатимизда ҳам сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни янги шаклда ташкил этиш ҳамда фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш ва ривожлантиришни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйди.**

*Моҳият*

## Янги миллий инфратузилма асоси

### "Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун имзоланди



"Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун ана шундай эҳтиёжни қондириш мақсадида тайёрланган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Ислоҳотлар йўлига жиддий ғов бўлган, давлат ва жамиятга бевосита таҳдид соладиган коррупция иллатига қарши муросасиз муносабатни шакллантириш бугун куннинг долзарб талабидир. Шу йил 6 июлда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорида бу борадаги муҳим вазифалар белгиланган.**

*Жамиятимиз мақсади*

## Коррупцияга йўл йўқ

### бу борадаги чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда



Ушбу қарорга мувофиқ шу йил 1 октябргача коррупция ва манфаатлар тўқнашуви асосида тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорликда иштирок этганлигининг ҳуқуқий оқибатларини белгиловчи янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Қонунда давлат органи ишларида учинчи шахсларнинг манфаатларини ноқонуний илгари суришга йўл қўймаслик, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари манфаатлар тўқнашувига айланмаслигининг ҳуқуқий асослари каби бир қатор муҳим жиҳатлар ўз аксини топади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2021 йил 1 октябрдан барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади.

Улар зиммасига коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш вазифалари юклатилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Раҳбар масъулияти*

## Самарадорлик мезони

### бундан буён давлат ташкилотлари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти ҳам баҳоланади

**Мамлакатимизда вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда уларнинг вазифа, ваколат ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 июлда **"Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди. Қарорда барча вазирлик ва идора раҳбарлари ўринбосарлари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги, натижадорлиги юзасидан Президент олдида шахсан жавобгар экани, Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Президент қарорига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Қонун кўмаги*

## Махфий код «сири»

### ёхуд хорижий ҳамкор нега судда ютди?

*Бундан 3 йил муқаддам "URGENCH LEAZING" масъулияти чекланган жамияти томонидан Хитойнинг "Xinjiang ALKANAT import and export trade CO. LTD" компаниясидан 100 минг АҚШ доллари эвазига олиб келинган ва Қўшкўпир туманидаги "SUPERDENT" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасига сотилган 2017-UL-рақамли янги рентген ускунаси орадан роппа-роса 60 кун ўтгач, кутилмаганда ишламай қолди.*



Бу носозликни бартараф этишга қаратилган уринишларнинг бирортаси самара бермади.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Оқлов*

## Қонунга киритилган ўзгартиш

### судланувчининг оқланишига асос бўлди



**Мана салкам беш йилдирки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида тарихий ислоҳотлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда амалдаги қонунларни дунё стандартларига уйғун тарзда такомиллаштириш, муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

(Давоми 2-бетда) ▶

*Оқлов*

# Қонунга киритилган ўзгартиш

*судланувчининг оқланишига асос бўлди*



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Масалан, амалдаги жиноят қонунчилигига киритилаётган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар кўплаб судланувчилар тақдирига кескин ўзгариш ясамоқда. Аниқроқ айтганда, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар туфайли кимдир тайинланган жазодан халос бўлса, кимнингдир жазоси енгилроғи билан алмаштирилмоқда. Бу жараёнда оқланаётган шахслар ҳам бор.

Масалан, Қўқон шаҳрида яшовчи, бундан бир йил муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган Аброр Набиев ҳам қонунчиликка киритилган ўзгартириш туфайли оқланди.

Хўш, аслида А.Набиев қандай қилмиши туфайли жиноий жавобгарликка тортилган эди?

Гап шундаки, А.Набиев Қўқон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги кўчасида жойлашган 29-уй 4-хонадонни келгусида дорихона сифатида фойдаланиш учун жиҳозлайди. 2020 йил 11 январь куни таркибида кучли таъсир қилувчи "Прегабалин" моддаси мавжуд бўлган, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп модда ҳисобланмайдиган 0,2 грамм "Тропикамид" дори воситасини махсус харидорга 120.000 сўм эвазига сотади. Қолаверса, 111 дона "Тропикамид", 49 дона "Регапен" кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб келган. Шу боис унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судида кўриб чиқилган. Суднинг 2020 йил 8 июлдаги ҳукмига биноан А.Набиев Жиноят кодексининг 25, $251^1$-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Судланувчининг апелляция шикояти жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажримига мувофиқ қаноатлантирилмаган.

2020 йил 21 июлда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга асосан Жиноят кодексининг айрим моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар 2020 йил 22 октябрдан эътиборан кучга кирган. Бинобарин, А.Набиев ва унинг ҳимоячиси Ш.Мингбоева Олий судга апелляция шикояти билан мурожаат қилишди. Шунга кўра, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 7 майдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Яқинда ушбу апелляция шикояти Фарғона вилояти судида кўриб чиқилди. Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишни жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахсни аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун ортга қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисобланса, тадбиқ этилиши белгиланган. Жиноят иши ҳужжатларидан аён бўлдики, А.Набиев муқаддам сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмаган. Бундай ҳолатда уни Жиноят кодексининг 25, $251^1$-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандида судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, айбсиз деб топилиши ва реабилитация қилиниши лозимлиги, кодекснинг $497^{26}$-моддасида апелляция инстанцияси айблов ҳукмини бекор қилишга ва оқлов ҳукми чиқаришга ҳақли экани белгиланган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилояти суди ўзининг 2021 йил 8 июлдаги ажрими билан Аброр Набиевни айбсиз деб топиб, оқлади.

Суд ажримида А.Набиевга ўзига етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиённи Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

Сўнгги йилларда юртимизда нафақат қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли, балки муқаддам ноҳақ айбловлар қўйилган шахсларнинг айбсизлиги исботланиб, оқланаётганини бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бундай эзгу ишлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш янги сифат босқичига кўтарилганидан далолатдир.

**Фарруҳ АБДУРАИМОВ,**
*Фарғона вилояти суди судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*журналист*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ 18 МАЙДАГИ «ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Оролбўйи халқаро инновация маркази ҳузурида **ўсимликлар уруғлари генбанки** билан таъминланган **лаборатория, бизнес-акселератор ўқув маркази очилишини** таъминласин;

**б) Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рақамлаштириш ва инновацион ёндашувларни амалга ошириш** *(масъул — Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси).*

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси **А.Максудов:**

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган **ўсимлик** ва **ҳайвонот дунёси** объектларининг **электрон хариталаш** ва **маълумотлар базаси** яратилишини;

**чиқиндиларни қайта ишлаш, полигонларни рекультивация қилиш ва экологик тоза энергия** ишлаб чиқарилишини таъминласин;

**в) Оролбўйи минтақасида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг инновацион технологиялари ҳамда механизмларини жорий қилиш** *(масъул — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги).*

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари **И.Норкулов:**

**шахсларнинг юзи бўйича аниқлаш технологиясини** жорий этишни;

қайта **тикланадиган энергия** манбаларидан фойдаланиб автоном **ичимлик шўр сувни тузсизлантириш технологиясини** ишлаб чиқишни таъминласин;

**г) Оролбўйи минтақасида иқтисодий ва молиявий инновацион механизмлардан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида ресурсларни тежовчи, "яшил" ва циркуляр (чиқиндисиз, регенератив ва самарали) замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш** *(масъул — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги).*

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Воитов:**

Қорақалпоғистон Республикасида **2,5 минг гектар** майдонда пахта, ғалла, кунжут, маккажўхори ва чорва озуқаси экинларини суғоришда **ёмғирлатиб суғориш тизимини** жорий этсин;

**синов лабораторияларини модернизация қилсин** (озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат) ҳамда намуналарни лабораторияга етказиш бўйича логистика хизматини йўлга қўйсин;

**д) Оролбўйи минтақасида илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, интеллектуал мулк объектларининг яратилиши ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни жорий қилишда маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш** *(масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги);*

Инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов:**

Қорақалпоғистон **экологик харитасини** яратиш ва шу асосида **экотуризмни самарали ташкил этиш** механизмини ишлаб чиқсин;

**шўрланган тупроқлар балл бонитетини** аниқлаш мақсадида олий таълим муассасалараро комплекс **биокимёвий таҳлил марказини** ташкил этсин;

**е) махсус резолюция ва мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш** *(масъул — Ташқи ишлар вазирлиги).*

Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари **Ғ.Фозилов:**

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига **ресурсларни мобилизация қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашсин;**

Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалалар тўғрисида **видеороликлар ишлаб чиқсин ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирсин;**

**ж) Оролбўйи минтақасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва мувофиқлаштириш** *(масъул — Молия вазирлиги).*

Молия вазири **Т.Ишметов:**

Давлат бюджетининг 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун тасдиқланадиган харажатлар параметрларида мазкур қарор билан тасдиқланаётган "Йўл харитаси" ва инновацион лойиҳалар рўйхатида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун **зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;**

Тошкент шаҳридаги йирик тадбиркорлик субъектларига Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган **лойиҳаларни амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатсин.**

3. Қуйидагилар:

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш "Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ;

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор инновацион лойиҳалар рўйхати** (кейинги ўринларда — инновацион лойиҳалар) 2-иловага мувофиқ;

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби** (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия) 3-иловага мувофиқ;

**"Йўл харитаси" ва инновацион лойиҳаларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириш учун идоралараро ишчи гуруҳлари** (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлари) **таркиблари** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **Қуйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросининг амалга оширилишини ташкил қилиш, масъул ижрочиларнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ижросини амалга ошириш учун жалб қилишда кўмаклашиш;

мазкур қарор ҳамда махсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда натижалари тўғрисида жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилик хабардорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш;

ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш ва улар олдидаги аниқ вазифаларни белгилаш.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда **вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида** экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида амалий кўмак берсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги **(И.Абдурахмонов),** Ташқи ишлар вазирлиги **(Ғ.Фозилов),** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **(А.Воитов, Б.Абидов),** Оролбўйи халқаро инновация маркази **(Н.Мирзамуратов) 2021 йил ноябрь ойида** Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш масалаларига бағишланган **халқаро конференцияни ташкил қилиш** ва ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **(А.Воитов)** Ташқи ишлар вазирлиги **(Ғ.Фозилов)** ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **(И.Абдурахмонов)** билан биргаликда:

вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда кўмаклашсин;

икки ой муддатда **"Оролбўйи минтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди" концепцияси** ҳамда **"Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича кўп томонлама "Йўл харитаси"ни** тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олий Мажлис палаталарига мазкур қарор ҳамда махсус резолюция доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида **таъсирчан ва мунтазам парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.**

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда унинг доирасида эришилган натижаларнинг доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Инновацион ривожланиш вазири **И.Абдурахмонов,** Молия вазири **Т.Ишметов,** Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси **А.Максудов,** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Воитов,** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари **И.Норкулов,** Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари **Ғ.Фозилов** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси **Қ.Сариев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **С.У.Умурзаков** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 29 июль*

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА УЛКАН ЛОЙИҲАГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу боис мамлакатимизда рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

"Ёшлик-1" кони негизида қурилаётган 3-мис бойитиш фабрикаси шу борадаги улкан қадамлардан биридир. Қиймати 2 миллиард доллар бўлган ушбу корхона биринчи босқичда йилига 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш имконини беради.

Иккинчи босқичда қувват 160 миллион тоннага етади ёки бугунги кўрсаткичдан 3 баробарга кўпаяди. Ушбу икки босқич амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Шу тариқа Олмалиқ комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик саноат мажмуаларидан бирига айланади.

— Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд кўпайиб, унинг қиймати ҳозирги 2,5 миллиард доллардан қарийб 8 миллиард долларга етади. 11 мингта янги, юқори технологик ишчи ўринлари яратилади.

Бу эса ёш йигит-қизларимиз учун геолог, муҳандис, технолог, лойиҳачи, дастурчи ва бошқа замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш имконини беради.

Бу улуғвор режалар — том маънода инқилобий қадам, десак, тўғри бўлади, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари рангли металлар саноатини ривожлантиришга қаратилган режаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Келгуси йилдан геология-қидирув ишларида тўлиқ халқаро JORC стандартларига ўтилади. Яқин 5 йилда барча лойиҳалар ҳисобидан руда қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми мамлакатимиз бўйича йиллик 130 миллион тоннадан 300 миллион тоннага ортади.

Ҳозирги кунда юртимизда конларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш бўйича Канада, Франция, Япония, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатлар компаниялари иш олиб бормоқда.

Президентимиз чет эллик инвесторлар учун имкониятлар янада кенгайтирилишини таъкидлади.

Хусусан, мис ва олтин бўйича қазилма бойликларга солиқ ставкаларини 10 фоиздан 7 фоизга, табиий газ ва нефть бўйича 10 фоизга, уран бўйича 8 фоизга, вольфрам бўйича 10 фоиздан 2,7 фоизга тушириш режалаштирилган. Бундай имтиёзлар инвесторларда албатта, катта қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкентда геология фанлари бўйича Италиянинг Пиза университети филиали очилади.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путиннинг қарорини амалга ошириш мақсадида "Газпромбанк" янги Ўзбекистонни шакллантириш дастурини фаол қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги кунга келиб, "Газпромбанк" томонидан Ўзбекистон корхоналари ва банкларига ажратилган маблағлар қарийб 2 миллиард долларни ташкил этади. Биз молиялаштиришга тайёр бўлган келгуси лойиҳалар портфелида ушбу маблағ қарийб 5 миллиард АҚШ долларига тенг. Бу маблағларнинг асосий қисми Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг инвестициявий лойиҳаларига йўналтирилади. Мазкур лойиҳа мамлакатларимизнинг самарали, ўзаро манфаатли ва тенг шериклигининг яна бир яққол мисолидир, — деди "Газпромбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Алексей Матвеев.

— Компаниямиз дунёнинг турли мамлакатларида фаолият олиб боради. Очиғини тан олиб айтишим керак, ҳали ҳеч қайси давлатда бундай кўламдаги ва минералларга бой захиралар очилмаган, — деди "SRK Consulting" компаниясининг Марказий Осиё бўйича директори Майк Бир. — Ҳозирги кунда электр техникаси саноати жадал ривожланмоқда, табиийки, жаҳон бозорида мисга бўлган эҳтиёж янада кучаяди. Шу боис Ўзбекистоннинг мис ишлаб чиқариш бўйича узоқни кўзлаган ташаббуси таҳсинга лойиқ. Ушбу конда 19,9 миллиард тоннага тенг руда бор. Бундан ташқари, катта миқдорда мис ва олтин захиралари мавжуд. Мен Ўзбекистон халқини дунёдаги энг йирик мис ва олтин конида ушбу янги лойиҳа ишга туширилаётгани билан табриклайман.

Президент Шавкат Мирзиёев 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Маросимда сўзга чиққан геолог ва металлурглар, нуронийлар кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар кон-металлургия саноатида эришилаётган ютуқларда ўз ифодасини топаётганини таъкидлади. Жумладан, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг техник ва технологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги юксалишлари давлатимизнинг амалий ёрдами билан чамбарчас боғлиқ экани қайд этилди. 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан "Ёшлик" конида бошланган катта ишлар ушбу ҳудуддаги ноёб бойликларни ўзлаштириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикаси қурувчилари учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Корхона яқинида 3 минг кишига мўлжалланган ётоқ мажмуаси барпо этилган. Ишчиларнинг яшаши, дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Президент бу ерда ётоқ ўринларини кўпайтириш, бундай ихчам, шинам мажмуаларни бошқа заводларда ҳам ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Олмалиқ шаҳридаги "Jurabek laboratories" қўшма корхонаси фаолиятини кўздан кечирди.

Корхона 48 миллион флакон инфузион эритмалар, 480 миллион дона ампула, 60 миллион дона қуруқ антибиотиклар, 20 миллион дона лиофилизация қилинган дори шаклларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу ерда GLP лабораторияси мавжуд, халқаро GMP стандарти жорий этилган.

Корхона томонидан 300 турдан ортиқ дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилган. 15 дан ортиқ хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги пандемия даврида жуда муҳим бўлган ремдесивир, фавипиравир, гепарин, эноксапарин каби дорилар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Биотехнологиялар соҳасида моноклониал антитаначалар туридаги дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 30 миллион долларлик янги лойиҳага киришилган.

Корхонада коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

**ЎзА**

*Раҳбар масъулияти*

# Самарадорлик мезони

*бундан буён давлат ташкилотлари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти ҳам баҳоланади*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Эндиликда давлат бошқаруви органлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Ҳар йили ижро интизомининг аҳволи юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиал органлари томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Қолаверса, баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига баҳо бериш орқали уларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Қарорда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича коллегиал орган йиғилишида танқидий муҳокама қилиниб, баҳоланиши ҳам белгилаб қўйилган. Бунда раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда "қониқарсиз", 71 фоиздан 90 фоизгача "қониқарли", 91 фоиздан 99 фоизгача "яхши" ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда "аъло" деб баҳоланади.

Раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари ижроси устидан мониторингни амалга оширишда асосий эътибор қуйидаги тизимли ва устувор масалаларга қаратилади. Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида макроиқтисодий барқарорликни, барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, "хуфёна" иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда унинг улушини кескин қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолатларига алоҳида эътибор берилади.

Ижтимоий соҳада Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳудудларда тўлақонли жорий этиш, таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам ишлашни ташкил қилиш орқали аҳолининг, айниқса, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг реал даромадларини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманлари, шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув, ички хўжалик йўллари ва бошқа коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби ишлар эса, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик соҳалари эътиборидаги масалалар сирасига киради.

Мазкур ҳужжат билан вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар, масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари томонидан стратегик ва устувор вазифалар, тасдиқланган "Йўл хариталари", ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларнинг самарали амалга оширилишида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун таъсирчан чораларни кўради.

Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, 2021 йил иккинчи ярим йиллиги учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини тасдиқлайди. Жорий этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тарзида амалга оширилади.

Амалга оширилаётган шиддатли ва кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда раҳбар ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш ўта муҳим вазифалардан бири саналади. Шу боис ушбу қарор мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, унинг ижросини ўз вақтида таъминлашда фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

**Абдулла РЎЗМЕТОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Моҳият*

# Янги миллий инфратузилма асоси

*"Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун имзоланди*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу янги қонун асосида фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниши баробарида бундай маълумотлардан фойдаланиш борасида ҳуқуқий асос яратилади ва улар тизимлаштирилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги қонун келгусида фазовий маълумотлар миллий инфраструктурасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида турли хил ҳуқуқий меъёрга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ихчам ҳолда изоҳлаш имконини берадиган аниқ ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Янги қонунда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, қонунийлик принципи, миллий инфраструктурани яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳаларида ваколатли органлар, маълумотларни юритиш тартиби, фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи, бундай маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ ишларнинг турлари, базавий, соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар, шунингдек, фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни тақдим этиш тартиби аниқ белгиланган.

Бундан ташқари янги қонунда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, амал қилиши ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари ҳам тартибга солинган.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, янги қонун геодезия ва картография соҳасига ахборот ва инновацион рақамли технологияларни кенг жорий этиш имконини яратади. Вазирлар Маҳкамаси қошида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш келгусида ана шу вазифани бажаради.

Эндиликда ушбу қонун асосида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралари, гидрографик объектлар ва гидротехника иншоотлари, аҳоли пунктлари ва уларнинг кўча-йўл тармоқлари, саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва ижтимоий-маданий объектлар, бинолар ва иншоотлар, автомобиль йўллари, темир йўллар, магистрал қувурлар, ўсимлик қоплами ва тупроқлар, ер участкаларининг чегаралари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектлари, аҳоли пунктларининг чегараларига оид кўплаб ахборотларни умумлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти юзага келади.

Фазовий маълумотлар ҳақидаги миллий инфратузилманинг шакллантирилиши аҳоли учун кўплаб қулайлик яратди. Хусусан, қўл телефони орқали аниқ фазовий маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Қолаверса, у аҳоли ва кадастр хизматлари ўртасидаги турли тушунмовчиликларнинг ҳам олдини олади.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
*сенатор*

*Жамиятимиз мақсади*

# Коррупцияга йўл йўқ

*бу борадаги чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўтган йилда судларда коррупция билан боғлиқ 1 502 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 2 203 нафар шахсга нисбатан жиноий жазо тайинланган. Бу коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш нақадар долзарб вазифа эканидан далолатдир.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажаришда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўради. Хусусан, ички назорат тузилмалари ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги аниқланса, бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш, ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилиш ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан четлаштириш, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид вазифаларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш каби бир қатор ваколатларга эга бўлади.

Энг муҳими, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади. Бу эса, давлат органлари ва ташкилотларига янгича фикрлайдиган мутахассисларни саралаб олиш имконини беради.

Ушбу қарорда тендер савдоларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Эндиликда шу йил 1 августдан давлат харидлари соҳасидаги тендерлар натижалари очиқ эълон қилинади.

Бундан кўзланган асосий мақсад — уларнинг коррупциядан холи тарзда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, тендер жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишдан иборат. Энг асосийси, бу орқали давлат харидлари соҳасидаги ўтказиладиган тендерларда соғлом рақобат муҳити юзага келади.

Бундан ташқари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги шу йил 1 декабрдан бошлаб ҳар йил якуни бўйича коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг натижаларини эълон қилиб боради.

Агентлик шу йил 1 декабргача даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради.

Эндиликда ҳар бир давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлари тизимли равишда мониторинг қилиниб, таҳлил этилади. Ўрганиш натижасида уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтинги шакллантирилади. Рейтингда давлат органларининг фаолияти, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар жараёнларининг очиқ ва шаффофлиги ўз аксини топади.

Мутахассисларнинг фикрича, коррупция иллатидан энг катта зиён кўрадиган соҳалардан бири капитал қурилиш соҳасидир. Буни 2018-2019 йилларда қурилиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 973 та жиноят иши қўзғатилгани ва 1 233 нафар шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Шу боис қарорда бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жорий йил 1 октябргача давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган танловлар "Шаффоф қурилиш" тизимидаги маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ушбу қарор коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини янада яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга шароит яратиш баробарида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

**Арзикул СОАТОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси*

*Қонун кўмаги*

# Махфий код «сири»

*ёхуд хорижий ҳамкор нега судда ютди?*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хорижда ишлаб чиқарилган ва замонавийлиги, мукаммаллиги халқаро миқёсда эътироф қилинган дастгоҳнинг кутилмаганда ишламай қолиши фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Аммо афсуски, шундай ҳолат рўй берди. Энг ёмони, бунинг ортидан "SUPERDENT" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг ишлари чаппасига кетди. Фирма раҳбарининг носозликни бартараф этиш ёки ускуна учун тўланган пулни қайтариш бўйича "URGENCH LEAZING" корхонасига қилган мурожаатлари натижа бермади. Иш судда якун топди. Яроқсиз ускуна учун тўланган пул суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ эгасига қайтарилди.

Шу билан тарафлар ўртасидаги низо барҳам топди. Аммо ҳақиқий можаро ҳали олдинда, якунланган суд жараёни унинг бошланғич жараёни эди, холос.

Орадан бир неча ой вақт ўтгач, Хитойнинг "Xinjiang ALKANAT CO. LTD" компанияси 2018 йил 1 мартда "URGENCH LEAZING" корхонаси билан тузилган 1-сонли қўшимча келишувнинг 1, 3, 4 ва 5-бандларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда мазкур корхонага етказиб берилган янги рентген ускунаси учун тўланмай келаётган 59 минг АҚШ доллари миқдоридаги асосий қарз ҳамда 29 минг 500 АҚШ долларлик пеня тўловини ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритди.

Суд муҳокамасида 2017 йилнинг 25 январида "Xinjiang ALKANAT CO. LTD" компанияси ва "URGENCH LEAZING" масъулияти чекланган жамияти ўртасида қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган рентген ускунаси олди-сотди шартномаси имзолангани ва харидор 41 минг доллар ҳажмидаги тўловни амалга оширгани, бироқ 59 минг доллар миқдоридаги қарз тўланмагани, шундай бўлса-да, буюртмачига тиббий ускуна етказиб берилгани, ўз навбатида, у буюртмачи томонидан "SUPERDENT" хусусий фирмасига сотилгани маълум бўлди. Хитой компанияси раҳбари А.Абдулайте сотилган рентген ускунасининг ишламай қолиши билан боғлиқ ҳолатни изоҳлар экан, шундай воқеа содир бўлишини олиндан билганини маълум қилди. Бироқ савдодаги шеригини чув туширмагани, яроқсиз ускунани атай сотмаганини билдирди.

Аниқланишича, 2018 йилнинг 1 март куни "URGENCH LEAZING" масъулияти чекланган жамияти "Xinjiang ALKANAT CO. LTD" компаниясига 2017 йил 25 январда расмийлаштирилган асосий шартномага қўшимча равишда 1-сонли келишув битими имзолаш ҳақидаги таклифни билдирган. Ушбу келишувда асосий шартномада қайд қилинган 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган савдо-сотиқ доирасини яна кенгайтириш ва умумий қиймати 93 минг АҚШ долларига тенг бўлган турли рентген жиҳозларини сотиб олиш, шундан 23 минг АҚШ долларини 30, қолган 71 минг АҚШ долларини 90 иш кунида тўлаш, баҳсли ҳолатларни музокара йўли билан ҳал этиш ва асосий шартномани шу ҳақдаги 1, 3, 4 ва 5-бандлар билан тўлдириш кўзда тутилган.

Хорижий компания ўзбекистонлик ҳамкорининг таклифини қабул қилган ва битимни имзолаган. Бироқ "URGENCH LEAZING" масъулияти чекланган жамияти келишув битимини имзоламаган. Натижада 93 минг АҚШ долларига баҳоланган рентген жиҳозларини етказиб бериш борасидаги ишлар ора йўлда қолган. Бу эса, тарафлар ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлди.

Суд "SUPERDENT" фирмасини мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида муҳокама жараёнига жалб қилди. Ана шунда фирмага сотилган рентген ускунасининг 2 ойдан сўнг ишдан чиқиш сабаби ҳам аниқ бўлди.

Хорижий компания шартномага асосан рентген мосламаси етказиб берилгани, лекин ўрнатиш вақтида унга автоматик ўчирувчи махсус код қўйилганини, бу 59 минг АҚШ долларилик қарздорликни белгиланган муддатда қопланмаган тақдирда 60 кундан сўнг амалга оширилганини баён қилди.

Бошқача айтганда, 59 минг АҚШ доллари миқдоридаги қарздорлик шартномада кўрсатилган муддатда бартараф қилинмагани боис ускуна автоматик тарзда кодланиб қолган.

Бундан бехабар "URGENCH LEAZING" корхонаси қўшимча келишувни имзолашни рад қилган ва хорижий ҳамкорини қаллобликда айблаган.

Шу ўринда тарафлар ўртасида тузилган шартномага эътибор қаратсак, унда сотувчи харид қилинган молни етказиб бериш, олувчи эса, унинг ҳақини белгиланган ҳажм ҳамда муддатда тўлаш мажбуриятини олган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Ушбу кодекснинг 116-моддасида қайд этилишича, қонун талабларига мувофиқ келмайдиган, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Бундан ташқари алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) ҳам жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Суд мазкур қонун талабларига таянган ҳолда 2017 йил 25 январда тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини "URGENCH LEAZING" маъсулияти чекланган жамияти тўлиқ бажармаганини эътироф этди ва ундан хорижий компания фойдасига 59 минг АҚШ доллари миқдоридаги асосий қарз, 8 минг 850 АҚШ доллари миқдорида пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундан ташқари тарафлар ўртасида 2018 йил 1 мартда тузилган 1-сонли қўшимча келишувнинг 1, 3, 4 ва 5-бандлари ҳам ҳақиқий эмас, деб топилди. Жавобгар тараф 10,6 миллион сўмлик давлат божини ҳам тўлайдиган бўлди.

Шу тариқа шартномавий мажбуриятини ўз вақтида бажармаслик "URGENCH LEAZING" корхонасига қимматга тушди. Хорижий шериги олдида юзи шувут бўлгани янада афсусланарли. Чунки обрў-эътибор, ўзаро ишонч ҳамма нарсадан устун. Шу боис ҳамкорлик муносабатларида бу омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

**Илёс ТЕШАЕВ,**
*Хоразм вилояти суди раиси ўринбосари*

**Фирибгарлар шундай устамон бўладики, соддадил ва ишонувчан одамлар уларнинг тузоғига қандай илинганини ҳам сезмай қолади.**

*Жиноят ва жазо*

# Даллол қиёфасидаги ФИРИБГАР

*у уч нафар кишини чув туширди*

Олмазор туманида яшовчи Суҳроб Аҳроров (исм-шарифлар ўзгартирилган) атиги бир ой ичида 3 нафар шахсни ўзининг фириб тузоғига илинтирди.

Фирибгарликнинг ҳадисини олган Суҳроб бир ярим йил мобайнида 3 маротаба судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна жиноятга қўл урди.

У шу йил бошида "OLX.UZ" сайтига ижарага хонадон борлиги ҳақидаги эълонни жойлаштиради. Орадан кўп вақт ўтмай, унга бир аёл қўнғироқ қилади.

— Эълонингизда кўрсатилган хонадон менга ёқди. Шуни ижарага олмоқчи эдим. Учрашиб, савдолашсак бўладими?, — деб сўрайди у.

— Албатта. Қорасув даҳасига келсангиз, бафурча гаплашамиз, — дейди бунга жавобан Суҳроб.

Учрашишгач, Суҳроб Венера Дониёровага ҳозир хонадонда ижарачилар борлиги, бир-икки кунда улар чиқиб кетишини айтади.

В.Дониёрова бу гапга ишониб, эски ижарачилар чиқиб кетишини кутишини билдириб, Суҳробга гаров тариқасида 100 АҚШ доллари беради. Суҳроб ундан пул олгани хусусида тилхат ёзиб беради. Шундан сўнг улар телефон орқали хабарлашиб туришга келишиб, хайрлашишади. Аммо ана шу учрашувдан сўнг Суҳроб Аҳроров уяли телефонини ўчириб қўяди.

Кейинги галда унинг фириб тузоғига Адиба Давлатова илинади. 2021 йил 11 февраль куни у ижарага уй топиш мақсадида "OLX.UZ" сайтига киради. Шунда унга "Новза" метроси яқинида жойлаган хонадон маъқул келиб, эълонда кўрсатилган рақамга қўнғироқ қилади. Гўшакни кўтарган киши ўзини "Абдулло" деб таништиради.

— Мен даллол эмасман, уй ўзимники. Ҳозиргача ҳеч кимни ижарага қўймаганман. Сизнинг омадингиз бор экан, — дейди у. — Фақат уч юз доллардан камига қўймайман.

(Давоми 4-бетда) ▶

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, шунингдек, фуқаролик жамияти институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг кучга киришига бағишланган тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, кейинги беш йил давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг олий минбаридан туриб илгари сурган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслари кенг жамоатчилигимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Бундай ижобий муносабат Ўзбекистоннинг давлатимиз раҳбари белгилаб берган миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимлаётганини тасдиқлаш баробарида мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далилдир.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тенглиги, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган.

*Инсонпарварлик тамойиллари*

# Кўнглинг ўксимасин, болажон!

## етим ва ногиронлиги бор болалар, эҳтиёжманд инсонлар ҳамиша давлат ва жамият эътиборида



БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси XXI асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартномадир. 2021 йил февраль ҳолатига кўра, БМТнинг 192 аъзо давлатидан 182 таси ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган.

Конвенция 50 та моддадан иборат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини таҳлил қилиш асосида қабул қилинган. Конвенция инсонларнинг турли-туманлиги ва қадр-қиммати принципларини ўзида мужассамлаштирган. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш жараёнида ноёб тажриба қўлланилди. Яъни халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Конвенцияни ратификация қилишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Хусусан, АҚШ, Буюк, Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, Конвенция талаблари негизида ишлаб чиқилган.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар, инсонни ногиронлиги борлиги туфайли камситмаслик принципи ётади. Бу борада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг вакиллари Конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ратификация қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этиш, Конвенциянинг асосий қоидаларини амалга ошириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларининг "Ҳеч кимни ортда қолдирманг" тамойилини амалга оширишга ёрдам беради.

Конвенцияни ратификация қилиш натижасида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашиши, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мамлакатимизнинг ижобий халқаро имижи янада яхшиланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож одамларни кучли ижтимоий ҳимоялаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар миллий, хорижий ва халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Ўзбекистонда БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг кучга кириши бу борадаги амалий ишларнинг ўзига хос давомидир.

**Ғулом МИРЗО,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*
**Бобомурод РАЙИМОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Муҳтожлик туфайли қарз олиш айб эмас. Ҳалол одамлар қарзни ҳамиша оғир юк ҳисоблашади ва ундан имкон қадар тезроқ қутулишга интилашади.*

*Надомат*

# Увол бўлган умрлар



Ғиждувонлик Акмал Абдуллаев, Руслан Рустамов, Миршодбек Имомқулов, Шоҳжаҳон Рустамов, Муҳаммад Ҳусенов қарз баҳонасида оғир жиноятга қўл уришди. Бунга Акмал Абдуллаевнинг Шоҳжаҳон Рустамовдан олган арзимас миқдордаги қарзи сабаб бўлди.

Гап шундаки, Шоҳжаҳон қарзни қайтаришни талаб қилавергач, Акмал муаммодан қутулишнинг қалтис йўлини топди. У Шоҳжаҳонга пулдор танишини қўрқитиб, пулини тортиб олишни таклиф қилди.

Бу режа Шоҳжаҳонга ҳам мойдек ёқиб тушди. Шундан сўнг икковлон жиноий режа тузиб, бунга танишлари Руслан, Миршод, Муҳаммадни ҳам жалб этишга келишишди.

Катта миқдордаги пулнинг дарагини эшитган Руслан Рустамов ва Миршодбек Имомқулов таклифни дарров қабул қилди. Муҳаммад Ҳусенов рўйхушлик бермаса-да, аммо айрим масалаларда ёрдам берди.

Қисқаси, ўтган йилнинг 29 декабрь кечаси уюшган жиноий гуруҳ йўлга отланди. Жиноий режага мувофиқ Акмал ва Руслан уйга бостириб кириш ва уй эгаларини совуқ қурол билан қўрқитган ҳолда пул ва бошқа бойликларни тортиб олиш вазифасини зиммасига олди. Миршод уй олдида атрофни кузатиб туриш, хавф-хатар туғилса, шерикларини огоҳлантириш, Шоҳжаҳон эса, автомашинада белгиланган жойда уларни кутиб турадиган бўлди.

Юзига ниқоб тақиб, пичоқ билан қуролланган жиноий шериклар қўшни қишлоқлик тадбиркор Жаҳонгир Соҳибхўжаевнинг (исм-шариф ўзгартирилган) уйини қийналмай топишди.

Улар дастлаб уйни электр тармоғидан узишди. Бир зумда ҳаммаёқ зим-зиё тортди. Акмал ва Руслан уйнинг қурилиши тугалланмаган қисмидаги дераза орқали уй эгалари ухлаб ётган хонага бостириб киришди. Юзига ниқоб, қўлига пичоқ тутган кимсаларни кўрган хонадон эгалари қўрқувдан карахт ҳолга тушишди. Босқинчилар уларнинг кўксига пичоқ тираб, пул ва қимматбаҳо буюмларни беришни талаб қилишди. Уй эгаси дағ-дағ титраганча автомашинаси юкхонасида қанчадир пул борлигини билдирди.

Автомашина юкхона очилиб, 12,5 миллион сўм нақд пул жиноятчилар қўлига ўтди. Босқинчилар бу билан чекланмади. Улар уй эгаларининг 8 миллион сўмлик иккита қўл телефонини ҳам тортиб олишди ва воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Босқинчилар ўлжага олинган пул ва буюмларни ўзаро тақсимлашаётган пайтда ўзлари содир этган жиноятнинг тезда фош этилишини хаёлларига ҳам келтирмаган эди.

Тергов органи А.Абдуллаев, Р.Рустамов, М.Имомқулов ва Ш.Рустамовнинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" банди асосида малакалади. Аммо суд муҳокамасида бу айблов ўзгартирилди. Аниқроғи, А.Абдуллаев ва Р.Рустамовнинг айби тергов тарафидан тўғри талқин этилган деб топилди. Босқинчиликда ёрдамчи сифатида иштирок этган бўлса-да, жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солмаган, ўз жиноий шериклари томонидан содир қилинган зўравонликда бевосита қатнашмаган М.Имомқулов ва Ш.Рустамовнинг қилмишини Жиноят кодекснинг 28- 164-моддаси 3-қисмига, М.Ҳусеновнинг қилмиши эса, Жиноят кодексининг 241-моддаси 1-қисмига қайта малакаланди.

Суд А.Абдуллаев ва Р.Рустамовга 13 йил, М.Имомқуловга 11 йил, Ш.Рустамовга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари уларнинг зиммасига 18 миллион 141 минг сўмлик моддий зиённи қоплаш мажбурияти ҳам юклатилди. Босқинчиликка бош қўшмаса-да, уни атайлаб яширган, шу ҳақда ҳеч кимга хабар бермаган ва бунинг оқибатида машъум жиноятнинг содир бўлишига сабабчи бўлган М.Ҳусенов 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига маҳкум этилди.

Оддий ва арзимас миқдордаги қарз баҳона бошланган жиноий ҳаракат шундай якун топди. Навқирон ёшдаги тўрт нафар йигит энди умрини панжара ортида ўтказади. Бу муддат уларга жуда қимматга тушиши аниқ. Зеро, умр — бебаҳо неъмат. Унинг уволи ҳам ғоят улкан ва аянчлидир.

**Бобур УМАРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Ғиждувон тумани суди раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноят ва жазо*

# Даллол қиёфасидаги фирибгар

## у уч нафар кишини чув туширди

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Шундан сўнг "Абдулло" А.Давлатова билан Яккасарой туманидаги "NEXT" савдо маркази ёнида учрашади.

— Уйни бориб кўрсак бўладими?, — дея сўрайди мижоз.

— Келаси ҳафта шанба куни бўшайди. Шунда кўришингиз мумкин. Лекин олдиндан юз доллар беришингиз керак.

— Уйни кўрмасдан туриб, пул беролмайман, — дейди А.Давлатова.

— Ундай бўлса, уйни бошқаларга ижарага бериб юбораман, — деб чўчитади "уй эгаси".

Шунда аёл ноилож қолиб, унга 100 АҚШ долларини беради. Бироқ белгиланган куни "Абдулло" учрашувга келмайди. А.Давлатова "Новза" метро бекати олдида уни кутавериб чарчайди. Аслида уни Суҳроб Аҳроров алдаб кетган эди.

Бу орада Суҳроб Юнусобод туманида жойлашган 3 хонали хонадонлардан бирини ижарага бериши ҳақида "OLX.UZ" сайтига эълон жойлаштиради. Ушбу эълон бўйича унга А.Абдураҳимов қўнғироқ қилади. Ўзаро суҳбат мобайнида Суҳроб ҳозир хонадонда бошқа биров яшаб келаётгани, агар 350 АҚШ доллари миқдоридаги ижара ҳақига кўнса, хонадон соҳиби уни ижарага қўйиши мумкинлигини маълум қилади.

— Олдиндан юз доллар берасиз, — дейди С.Аҳроров шарт қўйиб.

Унинг шартига рози бўлган А.Абдураҳимов Олмазор туманидаги 2-сонли туғруқхона олдида Суҳробга 100 АҚШ долларини беради. Бироқ эртаси куни Суҳроб яна 100 АҚШ



доллари бериш шартлигини айтади.

— Майли, яна пул бераман. Лекин олдин уйни кўрсатинг, — дейди А.Абдураҳимов.

Шундан сўнг С.Аҳроров турли важ-карсонлар билан ишни ортга сураверади. Охир-оқибат А.Абдураҳимов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этишга мажбур бўлади. Оқибатда фирибгарнинг қилмишлари фош бўлиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов-суриштирув жараёнида С.Аҳроров жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплагани боис суд унга нисбатан асосий жазога жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2021 йил 24 майдаги ҳукмига мувофиқ тайинланган жазони қисман қўшиш орқали иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишли жазоси тайинлади.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоизки, одамларнинг ишонувчанлиги ва ўз ҳуқуқларини тўлиқ билмаслиги С.Аҳроров сингари фирибгар кимсаларнинг тегирмонига сув қуяди. Демак, ҳуқуқни билиш, қонунга риоя этиш ҳар қандай жиноят, шу жумладан, фирибгарликнинг ҳам олдини олади.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Баҳодир ҚАЮМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси*

***Зуҳриддин Бойқурбонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Самарқанд шаҳрида барпо этилаётган кўп қаватли тураржой бинолари қурилишида ишлаётган чоғида тасодифан Феруза исмли жувон билан танишиб қолди. Бора-бора улар тез-тез учрашадиган бўлишди.***

Уч ойдан сўнг Феруза ҳомиладор бўлиб қолганини айтганда, йигит бир сесканиб тушди, аммо унинг гапига ишонмади. Шундан сўнг Ферузани тиббий кўрикдан ўтказишганда у ҳомиладор эмаслиги маълум бўлди. Табиийки, бу воқеадан сўнг Зуҳриддиннинг Ферузадан кўнгли қолади ва ўзини ундан олиб қоча бошлади.

Бироқ Феруза Зуҳриддинга бегона телефон рақамларидан қўнғироқ қилиб, ўзини ҳомиладор экани, уйланишга мажбурлиги, агар уйланмаса, эвазига 3 минг АҚШ доллари беришни талаб қила бошлайди. Буниси етмаганидек, Зуҳриддиннинг қишлоқдаги уйига бориб, маҳаллани бошига кўтариш, қўни-қўшнилар олдида шарманда қилишни айтиб, қўрқитади.

Шу йилнинг 4 февраль куни иложсиз ва ночор қолган З.Бойқурбонов Самарқанд шаҳар 9-сонли ички ишлар бўлимига 2020 йилда Ф.Солижонова исмли қиз билан танишгани, аммо ҳозирда у 3 минг АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилаётгани, бермаса, маҳалласига бориб, ундан боласи борлигини ота-онасига билдириши, фотосуратларини кўрсатиб, шарманда қилишини айтаётгани сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Ушбу мурожаат асосида тезкор тадбир режаси тузилиб, 2 минг АҚШ доллари миқдорида 20 дона пулларга кимёвий ишлов берилди. Уч дона АҚШ доллари купюрасига махсус кимёвий қалам билан "товламачи" сўзи ёзиб қўйилди.

Шундан сўнг Феруза Солижонова 2 минг АҚШ долларини олаётганда қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд тергов органи томонидан Ф.Солижонованинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади. Амалдаги қонунчиликда товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топшириш, мулкий манфаатлар бериш ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйилган ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

*Турмуш чорраҳаларида*

# «Севги» ниқобидаги тузоқ

## ёхуд номуссизлик оқибати



Жиноят иши ҳужжатлари ва аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, судланувчи Ф.Солижонова таниши З.Бойқурбоновни ундан фарзанди борлигини, шунингдек, у билан яқин муносабатда бўлганини оила аъзоларига айтиб, шарманда қилиш билан қўрқитган. 3 минг АҚШ долларини товламачилик йўли билан талаб қилиб, пулни беришга мажбур қиладиган шароитга солган ҳамда тезкор тадбирда фойдаланиш учун берилган 2 минг АҚШ долларини товламачилик йўли билан қўлга киритган вақтда ушланган.

Судланувчи З.Солижонованинг товламачиликда ифодаланган ҳаракатлари жиноят ишида мавжуд бўлган судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, электрон диск ва стенограмма баённомаси, ариза, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд З.Бойқурбоновнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, З.Солижонованинг ёши ва аёллигини инобатга олди. Инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, унга нисбатан икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, енгил-елпи ва палапартиш тарзда турмуш кечириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни унутиш кишини тубанликка бошлайди. Уни турли балоларга рўбарў қилиб, эл орасида иснодга қолдиради. Шу боис баён этилган воқеа тафсилотидан бошқалар ҳам сабоқ чиқариши зарур.

**Фаррух САМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

Қашқадарё вилояти суди жамоаси девонхона мудираси Зулфия Очиловага онаси

**Ирисой ОЧИЛОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти суди жамоаси судья катта ёрдамчиси Сардорбек Жомуратовга отаси

**Искандар НОРМУРОДОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

**Куч — адолатда**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

**Бош муҳаррир:** Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4921
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22[00]. Топширилди: 00[45].